

I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 36 661,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 106,8 фоизга тенг бўлди.

2020 йил январь-сентябрь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 128,6 фоизни ташкил этди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариш усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали ҳисобланади.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 36 544,0 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,0 % га юқори бўлди.

Январь-сентябрь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	млрд. сўм		ўсиш суръати, % да
	2019 йил	2020 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	26 679,2	36 661	106,8
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	25 826,2	36 120,6	106,8
Маҳсулотларга соф солиқлар	853,0	540,4	107,0
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	25 826,2	36 120,6	106,8
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3 977,8	4 844,4	105,0
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	18 687,7	27 704,9	108,4


	млрд. сўм		ўсиш суръати, % да
	2019 йил	2020 йил	
саноат	17 577,2	26 356,7	108,9
қурилиш	1 110,5	1 348,2	100,1
Хизматлар	3 160,7	3 571,3	99,9
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	860,0	891,5	94,6
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	522,6	583,1	103,0
бошқа хизматлар	1 778,1	2 096,7	101,5

Январь-сентябрь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби, (% да)

2019 йил




2020 йил



2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига ижобий таъсири саноат (108,9 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (105,0 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари (103,0 фоиз) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келди.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 23,8 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2019 йил январь-сентябрга нисбатан 4,0 фоизга камайди.

2020 йил январь-сентябрь ойларида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекси (2019 йил январь-сентябрга нисбатан, % да)



Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 9,9 фоизни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 2,3 фоиз пунктга камайди.

